

ШАРТНОМА № 29

(Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳақида)

« 12 » Январь 2022 йил.

Фаргона шаҳри.

Ушбу шартнома бир томондан "MOHIRA-FARM" MChJ номидан корхона раҳбари Б.Латифжонов вакиллигида келгусида "Таъминотчи" ва иккинчи томондан Фаргона шаҳар тиббиёт бирлашмаси номидан бирлашма бошлиғи М.Н.Шокиров вакиллигида келгусида "Буюртмачи" ўртасида ҳар икки томоннинг амалдаги "Низом"лари ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига, шунингдек, бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ куйидаги мазмунда тузилар:

I. Шартнома предмети.

1.1 "Таъминотчи" "Буюртмачи"га ушбу шартномага асосан умумий қиймати 1192 000.)

Бир ширинчи бир юз тўқсон икки мианга

(сумма рақам ва сўз билан ёзилди)

бўлган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар (келгусида "Товар" деб номланади)ни спецификацияга асосан бир маротабалик ёки йиллик талабнома асосида етказиб беради.

1.2 "Таъминотчи" эса ўз навбатида ушбу "Товар" лар учун келишилган ҳақни шартноманинг 2-бўлимида белгиланган шартлар асосида "Буюртмачи" га тўлайди.

II. Тўлов тартиби.

2.1. "Буюртмачи" шартнома имзолангандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган "Товар" умумий қийматининг 30 % ни олдиндан 358 600. сўм миқдорда "Таъминотчи" нинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди. Етказиб берилган "Товар" лар тўловининг қолган, яъни 70 % қисми эса "Буюртмачи" томонидан "Товар" қабул қилиб олингандан сўнг 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўлик тўлаб берилади.

III. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. "Таъминотчи" нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. "Буюртмачи" томонидан "Товар" умумий нархининг 30 фоизи "Таъминотчи" нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлангандан сўнг "Таъминотчи" "Буюртмачи" ни "Товар" билан таъминлайди.

3.1.2. "Таъминотчи" "Буюртмачи" га тегишли ҳужжатлар асосида "Товар"ни белгиланган тартибда ҳамда белгиланган стандарт сифат даражасида топшириш мажбуриятини олади.

3.1.3 "Таъминотчи" "Буюртмачи"га қулайлик яратиш мақсадида "Товар"ни ўз транспорт воситаларида "Буюртмачи"нинг манзилгоҳига етказиб беради. Бу ҳолда транспорт воситаси орқали етказиб бериш харажати "Таъминотчи" томонидан қопланади.

3.1.4. "Таъминотчи"нинг транспорт воситасида етказилган "Товар"нинг миқдоридан аниқланган камомад ҳамда сифатсизликлар юзасидан "Буюртмачи" "Таъминотчи"нинг вакили иштирокида "Товар" етказилган кундаёқ далолатнома тузиб ҳолатни тасдиқлайди. Мазкур далолатномага асосан камомад ҳисоби "Таъминотчи" томонидан 10 календарь кун ичида тўлдирилади. Агарда ушбу ҳаракатлар ўз вақтида амалга оширилмаса эътироз асосиз деб ҳисобланиб, инobatга олинмайди.

3.1.5. "Таъминотчи" Соғлиқни сақлаш тизимидаги юқори ташкилотлар тасдиқлаган марказлашган тақсимот орқали дори воситалари ва мурувват ёрдамларидан келган "Товар"лар билан "Буюртмачи"ни таъминлайди. Тақсимотни тасдиқлаган ташкилотнинг руҳсатисиз "Таъминотчи" "Товар" ни олишга ҳақли эмас.

3.2. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.2.1. "Буюртмачи" "Таъминотчи"дан шартнома тузилгандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган "Товар" учун уларнинг умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан тўлагандан сўнг 10 календарь кун ичида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, "Товар"ни ишончнома асосида қабул қилиб олиш ҳуқуқига эга.

3.2.2 "Таъминотчи" "Буюртмачи"дан Ўзбекистон Республикасида фармокологик рўйхатдан ўтказилиб, ишлатишга руҳсат этилган, сифати, маркировка ва ўрамлари амалдаги фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган "Товар"ларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Етказиб берилган "Товар" сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаса, "Таъминотчи" "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ "Товар"ни қабул қилишни ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб "Таъминотчи" дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган "Товар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

IV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари

4.1. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

4.2. "Таъминотчи" томонидан етказиб берилган "Товар" учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ

тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлашиши лозим бўлган умумий сумманинг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаган миқдорда "Таъминотчи" га пеня тўлайди.

4.3. "Буюртмачи" томонидан "Таъминотчи" га берилган буюртмаларни "Буюртмачи" ушбу шартноманинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда тўлик олиши шарт. Акс ҳолда "Буюртмачи"дан Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқ олинмай қолган (олиш асоссиз рад этилган) "Товар" суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган "Товар"лар бўйича эса 10 фоизи миқдорда жарима ундирилади.

4.4. "Буюртмачи"томонидан "Таъминотчи" га берилган буюртмаларни етказиб беришни "Ижрочи" асоссиз равишда кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун "Таъминотчи" "Буюртмачи"га етказиб берилмаган "Товар" умумий қийматининг 0,5 фоизи миқдорда, аммо етказиб берилмаган товар умумий қийматининг 50 % дан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

V. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Тарафлардан ҳеч бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (урушлар, фуқаролик тартибсизлиги, эпидемия ҳолати, блокада, эмбарго, табиий офатлар) билан боғлиқ ҳолатда бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агарда келишувга эришилмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда "Буюртмачи" жойлашган жойдаги иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

VII. Шартнома муддати ва уни ўзгартириш тартиби

7.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро ёзма келишувлари билан киритилиши мумкин. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо "Буюртмачи" жойлашган жойдаги иқтисодий суд орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

7.3. Ушбу шартнома ғазначилик бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик кучга киради.

7.4. Шартнома 2022 йил "31" декабр кунига қадар амал қилади.

VIII. Томонларнинг почта манзили ва тўлов реквизитлари:

"Таъминотчи"

"Буюртмачи"

"MOHIRA-FARM" МЧЖ

Фарғона в. Тошлок т. Дустлик № 10

Х/р: 2020 8000 9008 4827 7001

ТОШКЕНТ Ш "АЛОКА БАНКИ" БОШ

ОФИСИ ИНН: 305214734 ОКОНХ:71212

МФО: 00401 ОКЭД:46460

Тел: Фарғона (91) 124-29-01.

ООО "МОХИРА-ФАРМ" МЧЖ

Рахбари:

Б.Латифжонов

(имзо, муҳр, Ф.И.О.)

Тошлок Туман Тиббиётбирлашмаси

манзил: Тошлок ш.

х/р: 100022860302277073102054001

банк: Марказий банк Тошкент ш

СТИР: 200186207 ОКОНХ

Ғазначилик бўлинмасиноми:

Тошлок туман бойича Ғазначилик болинмаси

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош

Бошқармаси ХККМ

Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Тел: 238-04-29

Рахбари:

Тожибоев А.М

(имзо, муҳр, Ф.И.О.)

Ҳуқуқий ҳулоса

Мазкур шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб:

- Шартнома лойиҳасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришини ва қонунга мос ҳолда тузилганлигини;

- Томонларнинг шартномада кўрсатилган мулкӣ жавобгарликлари ва ўзаро низоларни ҳал қилиш йўллари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонуни асосида белгиланганлигини аниқладим.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шартнома лойиҳасини қонун ҳужжатлари асосида тузилган деб ҳисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

СПЕЦИФИКАЦИЯ ЦЕН.

ПОСТАВЩИК:

ООО «МОНІРА-FARM»

по Договору № 29 от « 12 » Января 2022 г

ПОКУПАТЕЛЬ:

№	Наименование товаров (работа, услуга)	Ед. изм	Кол-во	Базовая цена	Нац пост	Стом пост	Нац постр	Общ нац	Цена	Стоимость поставки	НДС		Стом поставки с учетом НДС
											Ставка%	Сумма	
1	Система инфузионная (241)		400	2591,30	7	2772,7	8	15	2980	1192000	без	НДС	0,0
Всего к оплате:										1192000			0,0

Шаринноманинг умумий сўммаси:

Бир миллион бир юз тўқсон икки миңг сум.

ООО «МОНІРА-FARM» директор

Б.Латифжонов



(Handwritten signature in blue ink)

“MOXIRA FARM” masuliyati cheklangan jamiyati hamda Toshloq tuman Tibbiyot Birlashmasi o'rtasida sistema infuzion vositasini sotib olish to'g'risidagi № 28 shartnomaga

YURIDIK XULOSA

Shartnoma miqdori: 1192000 (bir million bir yuz to'qson ikki ming)so'm.

Toshloq tumani Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti M.Rahimov yuqoridagi shartnoma yuzasidan xuquqiy ekspertiza o'tkazdim. Huquqiy ekspertiza O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonunning 21-moddasiga asosan o'tkazildi.

Shartnomada ko'rsatilgan munosabatlarning amaldagi qonun normalari talablariga mos kelishi, shartnoma shartlarining qonun xujjatlari talablariga mos kelishi, shartnoma bo'yicha taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonun xujjatlari talablariga mos kelishi huquqiy ekspertizaning predmeti xisoblanadi.

Huquqiy ekspertiza o'tkazilayotgan vaqtda O'zbekiston Respublikasining amalda bo'lgan hamda yuridik xizmat uchun foydalanish mumkin bo'lgan barcha qonun xujjatlari o'rganib chiqildi.

Huquqiy ekspertiza natijasida quyidagilar aniqlandi:

Shartnoma ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonuni xamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi.

Shartnoma shartlari O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonunning 6,7,15-moddalari hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 353-385-moddalari talablariga mos keladi.

Shartnoma bo'yicha taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonunning 24-moddalari hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324-339-moddalari talablariga mos keladi.

Yuqoridagilarga asosan, mazkur shartnoma qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Toshloq tumani Yuridik xizmat
markazi bosh yuristkonsulti:



M.Rahimov